

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (12.547)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшлар Шамолотидаги (ЎЗА) сўнгаш сўраш

### ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини арафасида пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Ватаннинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларга орден, медаль, фахрий унвонлар ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонига бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Юксак мукофотлар Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан топширилди.

Ушбу фармонга мувофиқ бир гуруҳ ёшлар «Ўзбекистон ифтихори» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони, «Дўстлик» ордени, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» ҳамда «Шўхрат» медаллари билан тақдирланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг қарорига биноан 27 нафар йигит-қиз «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан мукофотланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таъсис этилган ушбу юксак мукофот ҳар йили ўзининг фидокорона меҳнати, ўқушда, ишда, илм-фан, ижод, маданият ва спорт соҳасида эришаётган улкан ютуқлари билан Ватаннинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қиладиган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларга берилади.

Тантанали маросимда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга жaxon андозалари даражасида билим бериш, уларнинг касб эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, ўз салоҳияти ва интилоқларини рўйга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилгани самарасида ёшларимиз турли қабаларда улкан ютуқларга эришаётганини таъкидлади. Ўз сафида 5,9 миллион йигит-қизни бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билими, иқтидори, меҳнатсеварлиги ва сadoқати билан мамлакатимиз раънақига ҳисса қўшаётган ёшларни раъбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Тадбирда мукофотланган йигит-қизлар давлатимиз раъбарига ёшларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдириб, бундан буён ҳам Ватаннинг раънақи ва халқимиз фаровонлиги йулида астойдил меҳнат қилишни таъкидладилар.

Юксак мукофот билан тақдирланганлар орасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти катта илмий ходими, изланувчи Сакина Муҳаммадзонова ҳам бор. Сакина архитектура реставрацияси бўйича етакчи мутахассис бўлиш билан бирга, ажойиб хайкалтарош ҳамдир. Шарк миниатюра устаси Камолитдин Бехзоднинг институтда ўрнатилган хайкали унинг маҳоратидан далolat беради. Ёш хайкалтарошнинг иқтидори нафақат мамлакатимиз, балки Бельгия, Греция, Миср, Ҳиндистон, Россия каби хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва кўриктанловларда ҳам эътироф этилган.

— Аynи пайтда Ўзбекистон реклама санъатининг бадиий-эстетик жиҳатларига бағишланган илмий изланишлар устида ишляганман, — дейди С.Муҳаммадзонова. — Биз, ёшларнинг ўз истеъдод ва қобилиятимизни ҳар томонлама намойиш этишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратиш билан бирга, бу менга улкан масъулият юклайди ва янги ижодий чўққилар сари ундайди.

Тақдирлаш маросими ёш ижрочилар иштирокчида концерт дастури билан янунланди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
ЎЗА муҳбири

### МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

**Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва маданий-гуманитар доиралари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Деҳлида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий-иқтисодий куриш, мамлакат халқи учун фаровон ҳаётни барпо этиш йулида муҳим ҳуқуқий пойдевор сифатида хизмат қилиб келаётгани қайд этилди.

Шу ўринда мамлакатимиз Асосий Қонунда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари сузсиз амалга оширилиши кафолатлангани алоҳида таъкидланди.

Брифинг чоғида 2013 йилнинг 9 ойида республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида мамлакатимизда рўй бераётган кенг қўламли ўзгаришларга доир маълумотлар ҳам тадбир катнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

— Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ўзининг мустақил тараққиёт йўлини тўғри танлаб олган давлатдир, — деди **Деҳли университети профессори, доктор Халид Алви**. — Мамлакатимиз Конституцияси дунёнинг кўнгини демократик давлатларидан конституциявий курилиш соҳасида эришилган илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини ифода этган. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэтироф этилган меъёрлари ҳамда бу соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган. Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг эр-

кинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ҳам ўзда мужассамлаштирганки, мамлакатимиз Конституцияси ана шундай жиҳатлари билан эътиборга моликдир.

— Мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шартин давлат ҳамда жамиятнинг сиёсий курилиш тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, халқнинг муайян тарихий таъриби ва қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлигидир, — дейди «Sociallook international» журнали бош муҳаррири **Бхушан Чанд Гупта**. — Замонавий дунё таъриблари шуни кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради. У умуминсоний ғояларга, тенглик, эркинлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ҳамда дунё барқарорлиги каби энг улуг ғояларга хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, мамлакатимиз миллий қонунчилигида «Ҳабеас корпус» институтининг жорий этилиши, жамиятда сиёсий партиялар ролининг тобора ошиб бораётгани сингари омилардан Ўзбекистоннинг демократик тамойилларга асосланган фуқаролик, ҳуқуқий давлат барпо этиш йулидан оғишмай олға бораётганини кўрсатади.

**«Ҳажон» АА,**  
Деҳли

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликда Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Конституциямизда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишининг асосий мақсад ҳамда вазифалари аниқ белгиланганини таъкидлади. Хусусан, унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бур-

чи экани қайд этилган.

Истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизни изчил ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда сон жиҳатидан илгир, замонавий талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир пухта тайёргарликка эга армия ташкил этилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари миллий армиямиз жанговар тайёргарлигини оширишда фаол иштирок этмоқда, миллий манфа-

атларимизни ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича хизмат бурчини баъжаришда мардлик, жасорат кўрсатмоқда. Давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган улкан эътибор Ватаннинг ҳимояси йулида садақат билан хизмат қилишга ундайдиган муҳим раъбат ҳисобланади.

«Шўхрат» медаллари билан тақдирланган Ибрат Машарипов аynи пайтда Марказий ҳарбий округ ҳарбий қисмида бирида батарея командири бўлиб хизмат қилмоқда. У Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор мутахассис» республика танловида кўп қарра голиб бўлган.

— Ватан ҳимоячилиги бўлиш ва мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш юксак шарафдир, — дейди И.Машарипов. — Жамоатимизнинг ҳамжиҳатлиги, яратилган зарур шароитлар ва ҳарбий хизматчиларнинг юксак профессионал маҳорати туфайли Ватаннинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда муваффақиятларга эришмоқдамиз.

Тадбирда байрам концерти намойиш этилди.

(ЎЗА)

## XXI савдоси

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Наманган вилояти меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳалларарида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий, маданий ва ҳуқуқий мавзуда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари Ўзбекистон Қаҳрамонлари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашди.
- Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги байрами арафасида «Шоҳибегим» янги ўқув маркази иш бошлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўқув марказида қизлар ўзларини қизиқтирган ҳунарни танлаши ва пухта эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Марказ қошида ташкил этилган тикувчилик цехи назарий билимларни бевосита амалиётда мустаҳкамлаш имконини беради. Бу ерда 80 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.
- Жиззах вилоятининг Фориш туманида 2013 йилнинг ўтган даврида 85 кичик корхона ва микрофирма, 20 дехқон хўжалиги, 208 яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Асосан чорвачилик ва галлчиликка ихтисослашган туманда саноат, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби сердаромад тармоқлари ҳам ривожланмоқда. 2013 йилда мазкур тармоқларни ривожлантириш хисобидан 2 минг 674 янги иш ўрни яратилди.
- Қашқадарёда сувдан самарали фойдаланишнинг илғор усуллари бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, сўғориш сувларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга қаратилган мазкур лойиҳа туманда сув таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.
- Бельгия шимоли-ғарбидаги магистраллардан бирида юзга яқин автомобиль тўқнашиб кетди. Воқеа оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, қарийб 60 нафар одам жароҳатланган. Улардан беш нафарининг аҳоли оғир.
- АКШ федерал суди Детройт шаҳрининг банкротликка учраганини тасдиқлади. Ушбу қарор шаҳар маъмуриятига қарзларнинг муайян қисминини қайтариш ва кредиторлардан ҳимояланиш имконини беради. Аynи пайтда Детройтнинг 18 миллиард доллардан зиёдрок қарзи бор.
- Италиянинг Тоскана вилоятида жойлашган кийим тикиш фабрикасида рўй берган кучли ёнғин натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмган, тўрт нафар одам турли даражадаги куйиш жароҳатларини олди. Ҳозирча ёнғин сабаблари ҳақида маълумот йўқ.
- Идальго штати прокуратурасининг хабарига кўра, Мексикада радиоактив материалларни олиб кетаётган автофургон номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилган. Ҳозирча жиноятчиларнинг изига тушилгани йўқ.

### ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-

ганлигининг йигирма бир йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бирлашмасида бўлиб ўтган семинар «Ички ишлар идора-

лари ҳузурдаги қўриқлаш бўлинмалари юриконсултларининг фаолиятини ташкиллаштириш масалалари» мавзуига бағишланди.

✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 8-сон болалар мусиқа ва санъат

мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб, ўқувчилар иштирокида «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзуида маданий тадбир бўлиб ўтди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Шу кунларда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаёти фаолиятининг ҳуқуқий асоси, Асосий Қонуни — Конституциянинг 21 йиллиги кўтаринки руҳ ва тантанавор тарзда кутиб олинмоқда.



Владимир Гранкин олган сурат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий йўналишларидан бири, бу ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганидир.

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», деб таъкидлайди. Бош Қомусимизда ўз ифодасини топган 41-модда Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар тенг равишда билим олиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутган.

тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни воёга етказишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар эълон қилинди. Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар, туман, вилоят марказларида янги, барча қўлайликларга эга бўлган, замон талабларига жавоб берадиган, илгор техника ва технологиялар билан жиҳозланган олий ўқув юртлири, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ташкил этилди ва этилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Илм юлдузлари» интеллектуал кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Олима аёллар» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда республика «Олима аёллар» уюшмаси раиси Р.Муртазова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб турмуш, меҳнат ва дам олиш шaroитлари яратиш, ижодий-интеллектуал қобилиятини юзага чиқаришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кўрик-танлов якунида қўйи босқичларда голиб чиққан олий ўқув юртлири, илмий тадиқот муассасалари, инновацион марказларга фаолият кўрсатаётган 14 нафар олима иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Қарор ва ижро

БИЗНЕС ЮРИТИШ УЧУН ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистика ҳисоботларини такомиллаштириш, интерфаол хизматларни жорий этишнинг устувор йўналишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимиз иқтисодийоти янада ривожлантиришга муҳим омил бўлмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, лашлоқларни замонавий техника билан таъминлаш, локал ва корпоратив тармоқларни шакллантириш, ахборот ресурси ва тизимларини яратишга доир изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Қарори бизнес юритиш учун қўшимча имкониятлар яратишга ёрдам берадиган замонавий технологияларни жорий этиш борасида муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбиркорлик субъектларида қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида Савдо-саноат палатаси БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда янги маълумотлар порталини яратди.

Порталда нафақат ахборот, балки зарур ҳужжатлар, масалан, аризалар намунаси келтирилгани ҳам унинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига кредит олиш, сугурта компаниялари ва улар томонидан қилинган бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида қўрсатилган хизматлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган банклар, ҳисоб-рақам очилу учун зарур ҳужжатлар рўйхати, солиқ турлари ва уларни тўлаш тартиби тўғрисида ахборот тақдим этилган.

Порталнинг «Бизнес-режа» бўлимида озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, хизмат кўрсатиш ва сερвис соҳасида фаолият юритиш учун турли бизнес-режаларнинг намунавий шакллари келтирилган. «Текширувлар ҳақида» бўлимида назорат органлари, текширувлар тури ва мuddатлари, ҳўжалик субъектларининг текширувлар чоғида ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, тадбирда тадбиркорлик субъектларини электрон рўйхатда олишнинг янги имкониятлари намойиш этилди. 2014 йилнинг 1 январидан ишга тушириш мўйжалланаётган мазкур механизм афни пайтада тест синувларида ўтказилаётир. Унда тадбиркорлик субъектларини электрон шаклда рўйхатда олиш учун аризалар қабул қилиш кўзда тутилган.

Интерфаол хизматларнинг ривожланиши, улардан фойдаланишнинг қўлайлиги ва сайтнинг барча учун очиқлиги давлат органларининг янада самарали фаолият юритишини, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик ошкора амалга оширилишини таъминлайди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан Физика-Қуёш ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб, «Ўзбекистон Конституцияси — барқарор Конституция» мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати уюштирилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси касаба уюшмаси тасаруфидоги қорхона, ташкилот ва илмий тадиқот муассасаларида фаолият юритаётган касаба уюшмаси фаоллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар глобаллашув шарoитида маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик хислатларини ўстириш борасида турли мутасадди ташкилотлар, партиалар, таълим муассасалари, маҳалла тузилмалари иштирокини қўлайтиришнинг неючли долзарблиги ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ёш оилалар ташкил этади. Бу бир томондан, давлатимиз зиммасига катта масъулият юқласа, иккинчи томондан улкан имкониятлар ҳам беради.

ЁШ ОИЛАГА ЁРДАМ КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР ДЕМАКДИР

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрй розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

«Ёшлар йили» деб номланган 2008 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилган, ёш оилалар учун кўп қаватли уйлар қурилган. Ёш оилаларга уй-жой куриши ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан ипотека ва истеъмол кредитлари берилиши кенгайди.

«Ёш оилаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадиблар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳиятида аввало, жамиятнинг ўзига бўлган оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсади турибди.

навий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларини янада қўлайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадиблари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда (хомилдорлик, бола туғилиши, воёга етмаган шахсининг тула муомаласига лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кура никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолидаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини қўли билан бир йилга камайтириши мумкинлиги қайд қилинган.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг сайъ-ҳаракатлари билан эришиб бўлмайди. Балогатга етмаган қизларнинг оила қўлиши кенг жоматчилики ҳам ташвишга солиши керак. Халқумизда «Боланинг бегонаси бўлмайдидеган ҳикмат бор. Оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралаётган, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқимизни томонидан кенг қўлмали чора-тадиблар амалга оширилаётган экан, бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Истиклолимизнинг дастлабки йиллариданоқ жамиятда оиланинг маъноси ошириш, унинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарoит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини янада оқсаттириш, оиланинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Лола ШОМУРАТОВА, Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Гулчехра ДУРДИЕВА

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ

танлов асосида ўтказиладиган савдоларга таклиф этади

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2010 йил 25 октябрдаги 625-сонли ҳамда 2011 йил 16 ноябрдаги 742-сонли қарорлари, "Чилонзор буюм савдо комплекси" ОАЖ Қузатув кенгашининг 2011 йил 15 апрелдаги 3-сонли ҳамда 2012 йил 12 апрелдаги 4-сонли мажлис баёнлари, шунингдек "Чилонзор буюм савдо комплекси" ОАЖ 2013 йил 29 ноябрдаги 76-аф-сонли буйруғига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил қилмаган яқка тартибдаги тадбиркорларга Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳқўчаси, 156а-уй манзилида жойлашган қуйида кўрсатилган янги қуриладиган савдо дўконлар учун ижара ҳуқуқи очик танлов савдоларига қўйилмоқда:

Table with 4 columns: №/Объект номи, Дўкон рақами, Умумий майдони (м²), Бошланғич нархи. It lists numerous real estate lots for sale with their respective IDs, addresses, and prices.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларни ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такронан савдога қўйилган:

1. Наманган шаҳри, 2-туманида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 м.кв., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 м.кв. ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автоташонага мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 м.кв., фойдала майдони 2892,3 м.кв., ўн бешта бинодан иборат «Ишлаб чиқариш ҳудуди» бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 м.кв., фойдала майдони 1782,2 м.кв., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган «Чойхона» (Сабо тўйхона) биноси. Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Қўйда жойлашган, умумий майдони 6377,43 м.кв., қурилиш ости майдони 1121,4 м.кв., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 м.кв., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатига кўрсатилган жами 201,29 м.кв. бўлган қурилма, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиш тугалланмаган устахона, иккита бостирма бузиб ташланган «Автотасора» бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 604 310 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмилло қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 м.кв., қурилиш ости майдони 730,4 м.кв., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала ҳовли. Бошланғич нархи – 653 690 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 м.кв., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган «Сартарошхона ва дўкон» (офис) биноси. Бошланғич нархи – 379 280 000 сўм.

II. Чилонзор туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 1-4574/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, И.Усмонов 2-тор кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 405,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 74,68 кв.м. яшаш майдони 54,18 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 62 812 500 сўм.

III. Сергели туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман судининг 2013 йил 12 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 2-берк Дарё бўйи кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 19 467 113,90 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 8 январь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин танлов ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан савдо дўкони ижара ҳуқуқининг бошланғич қийматининг 10% миқдорига закалат пулини танлов ташкилотчисининг маъмурият бўлимида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар савдо ташкилотчиси билан 2014 йил 10 январь куни соат 11:00да очилади ва 2014 йил 12 январь куни соат 16:00да «Чилонзор буюм савдо комплекси» ОАЖ маъмурият биносида танлов ғолиби эълон қилинади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги савдо дўконларининг ижара ҳуқуқи 2014 йилнинг 10 январь куни сотилмаган тақдирда маъмурият савдо дўконлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2014 йил 21 январь куни соат 11:00да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома берилиши қабул қилиш 2014 йил 20 январь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар савдо ташкилотчиси билан 2014 йил 21 январь куни соат 11:00 да очилади ва 2014 йил 22 январь куни соат 16:00да танлов ғолиби аниқланади.

Савдо дўконларига бўлган чекланган (мажбурийтар) олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси: «Continental estate advisory group» МЧЖ Танлов ташкилотчисининг манзили: Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 19-уй, тел.: (+998 95) 170-11-40, факс: (8 371) 236-01-68, e-mail: ceag@inbox.ru. Лицензия RR0035

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчиси билан буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманома ички нусхада тақдим этади:

- Юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда

қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

• Жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли шахсининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

• Танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

• Танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилб муҳрланган конвертларга жойлаштирилган ички нусхадаги танлов таклифлари.

Танлов иштирокчиларининг барча варақалари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўлов ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ОАТБ «KAPITALBANK» амалиёт бўлими, х/р 2020 8000 9049 1664 9001, МФО: 00974, ИНН:301949454, ОКОНХ: 84500

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

ЖУРНАЛ ҚАДАМДАСЫЗ

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
7.20 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма»

15.10 «Хайт-мамонт». Т/с.
15.00 «Давр».
16.10 «Жийда гули». Т/с.
16.40 «Зар замин».

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди»

11.05 «Анонс».
11.10 «Ҳайларим».
11.15 «Спортнинг бир кунин».

Тошкент
6.00 «Мадина».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Телеахборот».

Первый канал
04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жизнь здорово!»

Тошкент
6.00 «Мадина».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Фазал гулшани».

Первый канал
04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жизнь здорово!»

ДУШАНБА, 9

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

14.00 «Индаба». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволар».

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

11.05 «Анонс».
11.10 «Ҳайларим».
11.15 «Спортнинг бир кунин».



Ислом Исмомов олган суратлар

СЕШАНБА, 10

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

14.00 «Индаба». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволар».

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

11.05 «Анонс».
11.10 «Ҳайларим».
11.15 «Спортнинг бир кунин».

ПАЙШАНБА, 12

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

14.00 «Индаба». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволар».

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»

11.05 «Анонс».
11.10 «Ҳайларим».
11.15 «Спортнинг бир кунин».



Ислом Исмомов олган суратлар

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 6 декабрда ҳаво ҳарорати...

Тошкент Оқолими
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: 233-28-95
2007 йил 18 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган